

**“Кашфиётчи болалар” республика кўрик-танловини ташкил
этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМИ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 11 майдаги 130-сон қарорига мувофиқ, “Баркамол авлод” болалар марказлари техник ижодиёт йўналишидаги тўғарақлари (бундан буён матнда тўғарақлар деб юритилади) бўйича икки босқичли “Кашфиётчи болалар” кўрик-танловини (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу кўрик-танлов ҳар йили республика миқёсида “Баркамол авлод” болалар марказлари тўғарақ аъзолари ўртасида ўтказилади.

2. Кўрик-танлов Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ташкил этилади.

2-боб. Кўрик-танловнинг мақсади ва вазифалари

3. Кўрик-танловнинг мақсади ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар онгига меҳнатсеварликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини сингдириш ҳамда улар ўртасида фан ва техникани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мувофиқ техник воситалар ва компьютер технологияларини ишини ўрганишни ташкил этиш ҳамда улар ўртасида техник ижодкорликни ривожлантиришдир.

4. Кўрик-танловнинг вазифаси ўқувчилар ўртасида иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

3-боб. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби

6. Кўрик-танлов икки босқичда ўтказилади:

а) биринчи босқич – ҳудудий босқич барча туман (шаҳар)лар иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларда октябрь-ноябрь ойларида ўтказилади.

б) иккинчи босқич – республика босқичи кўрик-танловнинг республика ташкилий қўмитаси томонидан белгиланган манзилда йилнинг декабрь ойида ўтказилади.

7. Кўрик-танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади:

а) автомобиль йўналиши;

б) авиа-ракетомодель йўналиши;

в) робототехника йўналиши.

“Баркамол авлод” болалар марказлари ушбу йўналишлардан мавжудлари бўйича иштирок этади.

8. Кўрик-танловнинг биринчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар (ўтказиш вақти, жойи, ишчи гуруҳ, ҳакамлар ҳайъати таркиби) Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

9. Кўрик-танловнинг барча йўналишлари бўйича 1 нафардан (жами 3 нафар) голиб иштирокчилар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этади.

10. Кўрик-танловнинг барча йўналишлари бўйича биринчи босқич голибларининг ҳужжатлари (ҳакамлар ҳайъати йиғилиши қарори, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари йўлланмаси) Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан 20 ноябрга қадар республика ташкилий кўмитасига тақдим этилади.

4-боб. Кўрик-танловнинг шартлари ва баҳолаш мезони

12. Кўрик-танлов қуйидаги шартлар асосида ўтказилади:

а) а ва в – йўналишлари бўйича:

ҳар бир иштирокчи 3 дондан ижодий иш тақдим этади;

тақдим этиладиган ижодий ишнинг ҳажми чегараланмаган;

ижодий иш дизайн асосида сифатли яратилган бўлиши керак;

ижодий ишнинг А-4 форматдаги паспорти бўлиши лозим. Унда ижодий ишнинг номи, 15x20 ўлчамдаги фотосурати, иштирокчининг исми шарифи, таълим муассасаси, синфи кўрсатилган бўлиши шарт;

иштирокчи ўз ижодий ишининг юртимиз тараққиётидаги аҳамияти, техника ривожига ўрни ҳамда ижодий ишни яратиш натижасида ўқувчининг баркамол шахс сифатида шаклланишига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот бериши лозим.

б) в ва г – йўналишлари бўйича:

ҳар бир иштирокчи 2 дондан ижодий иш тақдим этади;

ижодий иш дизайн асосида яратилган бўлиши лозим;

ижодий ишнинг эскизи чизилган бўлиши лозим;

бажарилган ижодий иш макети эскизга мос бўлиши лозим;

ижодий ишни яратиш схемаси бўлиши лозим;

яратилган ижодий иш бирор функцияни бажарадиган бўлиши лозим;

иштирокчи томонидан ижодий иш тақдимот қилинади.

Ижодий иш ҳажми чегараланмаган.

13. Кўрик-танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари ҳар бир йўналиш бўйича мутахассислардан тузилган ҳакамлар ҳайъати томонидан 100 баллик тизимда баҳоланади.

14. Иштирокчиларнинг ижодий ишлари қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

А ва В – ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА:

ижодий ишларнинг ушбу Низом талабларига амал қилинганлиги – 20 баллгача;

ижодий иш дизайн асосида сифатли яратилганлиги – 40 баллгача;

иштирокчи томонидан ижодий иш ҳақида кенг маълумот берилиши – 40 баллгача.

В ва Г – ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА:

ижодий ишларнинг ушбу Низом талабларига амал қилинганлиги – 10 баллгача;

ижодий иш дизайн асосида яратилганлиги – 20 баллгача;

ижодий иш эскизининг мавжудлиги ва унинг сифати – 20 баллгача;

бажарилган ижодий иш макетининг эскизга мослиги – 10 баллгача;

яратилган ижодий ишнинг бирор функцияни бажариши – 20 баллгача;

иштирокчи томонидан ижодий ишнинг сифатли тақдимот қилиниши – 20 баллгача баҳоланади.

5-боб. Ғолибларни тақдирлаш

15. Ташкилий кўмита томонидан ғолиб деб топилган иштирокчилар махсус диплом ҳамда қуйидаги тартибда ўрин ва номинациялар бўйича эсдалик совғалари билан тақдирланадилар:

а) автомобиль йўналишида 1 та I ўрин, 2 та II ўрин, 3 та III ўрин;

б) авиа-ракетамоделъ йўналишида 1 та I ўрин, 2 та II ўрин, 3 та III ўрин;

в) робототехника йўналишида 1 та I ўрин, 2 та II ўрин, 3 та III ўрин;

г) қуйидаги номинациялар:

“Энг яхши инновацион ғоя муаллифи”

“Энг фойдали ихтиро муаллифи”.

Кўрик-танловнинг қолган барча иштирокчиларига Халқ таълими вазирлигининг “Кўрик-танловнинг фаол иштирокчиси” дипломи билан тақдирланади.

6-боб. Якуний қоидалар

16. Кўрик-танлов натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун уч кишидан иборат Апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси таркиби ташкилий кўмита томонидан тасдиқланади.

17. Кўрик-танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар кўрик-танлов якунидан сўнг 15 дақиқа ичида Апелляция комиссиясига мурожаат қилиши шарт.

18. Шикоятлар тақдим этилгандан сўнг Апелляция комиссияси томонидан 1 соат ичида кўриб чиқилиб, асосланган тарзда ўрганиш натижаси шикоятчига эълон қилинади.